

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

17-сон
(1037)
2022 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

158. «Органик маҳсулотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 25 апрелдаги ўРҚ–766-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

159. «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги ПФ–128-сон Фармони

160. «Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги ПҚ–230-сон қарори

Бешинчи бўлим

161. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 5 апрелдаги 222-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қодаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-12*)
162. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 13 апрелдаги 223-мх-сон «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-6*)
163. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 15 апрелдаги 12-сон «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқноманинг 285-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-6*)
164. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 4 апрелдаги 11-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қодаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2515-4*)
165. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 18 апрелдаги 8/02-22-9-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқнома, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 390-4*)
166. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 27 апрелдаги 2022-14-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3364*)
167. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 12 мартдаги 12-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайди-

ган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3365*)

168. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 28 апрелдаги 12-сон «Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3198-1*)

169. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2022 йил 5 апрелдаги 98-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти базасида идоровий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2997-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****158 Органик маҳсулотлар тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 3 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади органик маҳсулотлар (органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, тамғалаш ва реализация қилиш, шунингдек мувофиқликни баҳолаш ва авторизациялаштириш) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган органик маҳсулотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик

Органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

авторизациялаштириш — мувофиқликни баҳолаш бўйича аккредитация қилинган орган сифатида фаолиятни амалга оширишга ушбу Қонунда ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги органик маҳсулотларга доир бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя этилиши учун масъул бўлган ваколатли давлат органи томонидан рухсатнома бериш;

инспекция назорати — органик маҳсулотларнинг органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчиликда ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳа-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 апрелда эълон қилинган.

сидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш тартиб-таомили;

органик маҳсулотлар — ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишнинг барча босқичларида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш технологияларини қўллаган ҳолда олинган сертификатлаштирилган маҳсулотлар;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш — органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини олиш учун риоя этилиши зарур бўлган органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш технологияларини қўллаган ҳолда маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва қайта ишлашга доир фаолият;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи — органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга доир фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс.

4-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий принциплар

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий принциплар куйидагилардан иборат:

фуқаролар ҳаёти ва соғлигини сақлашнинг, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг устуворлиги;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўналишини танлашдаги ихтиёрийлик;

органик маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлиги;

қайта тикланадиган табиий ресурслардан фойдаланиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш.

2-боб. Органик маҳсулотлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

органик маҳсулотлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий ҳамда иқтисодий шарт-шароитлар яратади;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш чоғида йўл қўйиладиган ифлосланиш нормаларини ва органик маҳсулотларнинг, шу жумладан органик экинларнинг (ўсимликларнинг) касалликлари хавфсизлигига доир талабларни белгилайди ҳамда зараркунандалардан химоя қилиш учун фойдаланиладиган биологик ва кимёвий моддаларнинг органик маҳсулотлар таркибидаги қолдиқларининг йўл қўйиладиган миқдорини белгилайди;

органик маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга ва унинг ҳудудидан олиб чиқишга, шунингдек органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, реализация қилишга ҳамда утилизация қилишга доир талабларни белгилайди;

органик маҳсулотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

органик маҳсулотлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

органик маҳсулотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

давлат сиёсати ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган давлат дастурларининг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ барқарор ривожланиш концепцияси принципларига асосланган органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш тизими яратилишини таъминлайди;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, шунингдек бу жараён доирасидаги ишларни ташкил этишга доир фаолиятни тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади;

органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига, шу жумладан сертификатлаштирилган уруғлардан, экиш материалларидан, органик ўғитлардан ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларидан, озуқа хом ашёсидан, озуқавий қўшимчалардан, уй ҳайвонларини, паррандаларни, асариларни парваришlash чоғида фойдаланиладиган дори воситаларидан, дезинфекцияловчи ва тозаловчи воситалардан, озиқ-овқат қўшимчаларидан ва технологик компонентлардан органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш чоғида фойдаланиш билан боғлиқ талабларга риоя этилишининг мониторингини ўтказиши;

мувофиқликни баҳолаш органлари фаолиятини авторизациялаштиришни амалга оширади;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлардан органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги зарур ахборотни сўрайди ва олади;

инсон ҳаётининг ва соғлиғининг хавфсизлиги, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган инновацион агротехнологик усуллар ҳамда технологиялардан, услублар ва жараёнлардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолияти субъектларига органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратади;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш масалалари бўйича ўқитиш ва маслаҳат хизматлари кўрсатади;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадлари ва истиқболлари тўғрисидаги билимларни тарғиб қилишга доир ишларни амалга оширади;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилиши мониторингини амалга оширади;

органик маҳсулотлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чораларини кўради;

органик маҳсулотлар соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради;

органик маҳсулотлар соҳасида инновацион усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказилишини қўллаб-қувватлайди;

ташқи ва ички бозорларда органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди;

органик маҳсулотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати:

органик маҳсулотларнинг хавфсизлиги соҳасидаги халқаро стандартлар ва тавсиялар билан уйғунлашган санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиеник нормативларни ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг органик маҳсулотлар хавфсизлигига мувофиқлиги юзасидан экспертизасини ўтказиши.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

қишлоқ хўжалигида органик чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги халқаро стандартлар ва тавсиялар билан уйғунлашган ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлайди;

ишлаб чиқарувчилар томонидан органик маҳсулотларни, чорвачиликка оид органик маҳсулотларни ҳамда келиб чиқиши ҳайвонлар ва ўсимликларга мансуб бўлган хом ашёни етиштириш чоғида ветеринария тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган ветеринария-санитария талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида:

мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилишни амалга оширади ва уларга аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради;

органик маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгиси шакли ва ўлчамини тасдиқлайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тизимли равишда жорий этишда, шунингдек органик маҳсулотлар соҳасидаги халқаро стандартларни республикада жорий этишга тизимли равишда кўмаклашади;

мувофиқликни баҳолаш органларининг мутахассислари учун инспекция назоратини ўтказиш доирасида ёки сертификатлаштириш жараёнида малака ошириш бўйича тадбирларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

қишлоқ хўжалиги корхоналарига ва қайта ишлаш корхоналарига органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда

ташиш ва реализация қилиш учун ер участкалари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатади;

органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг органик маҳсулотлар сифатида реализация қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўради;

аҳолини органик маҳсулотлар етиштириш тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Мувофиқликни баҳолаш органининг ваколатлари

Мувофиқликни баҳолаш органи қуйидаги ваколатларга эга:

халқаро стандартларга мувофиқ органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш чоғида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлайди;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш тўғрисидаги ёки органик маҳсулотлар ҳақидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилмаган тақдирда сертификатлаштиришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун берилган ер участкаларидаги тупроқ, сув, уруғлар, кўчатлардан ва экиш материалдан, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларидан ва озуқалардан намуналар олишни амалга оширади;

қонунчиликда белгиланган тартибда органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини беради, унинг амал қилишини тўхтатиб туради ва ушбу сертификатни бекор қилади.

Мувофиқликни баҳолаш органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Мувофиқликни баҳолаш органи органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларни органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчидан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

12-модда. Органик маҳсулотлар соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Органик маҳсулотлар соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли давлат дастурларини қабул қилиш ҳамда амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилган қишлоқ хўжалиги

экинларини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сертификатлаштирилган органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун субсидиялар ажратиш;

органик маҳсулотлар соҳасида инновацион услублар ва технологияларнинг, шунингдек илғор тажрибаларнинг жорий этилишини рағбатлантириш;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни молиялаштиришда, ахборотга оид, маслаҳат ва сертификатлаштириш хизматлари кўрсатишда кўмаклашиш;

органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва синов лойиҳаларини амалга ошириш бўйича давлат ва халқаро грант дастурлари доирасида кўмаклашиш;

органик маҳсулотлар тоифасига кирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш чоғида субсидиялар бериш.

3-боб. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар фаолиятининг кафолатлари

13-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга: органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш чоғида ўз фирма номидан, товар белгисидан ва хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланиш;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш учун зарур бўлган хизматлар (ишлар) турларини, шу жумладан мувофиқликни баҳолаш органларини ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилотларни мустақил равишда танлаш.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг мажбуриятлари

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, тамғалаш ва реализация қилиш чоғида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши шарт.

15-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг кафолатлари

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга фаолиятнинг қуйидаги кафолатлари берилади:

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ажратилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни илмий асосланган

алмашлаб экиш схемаларига мувофиқ, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек норматив ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ажратилган ер участкаларида кишлоқ хўжалиги экинларини эркин жойлаштириш.

4-боб. Органик маҳсулотларга доир умумий талаблар

16-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш шартлари

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш шартлари қуйидагилардан иборат:

органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва мувофиқликни баҳолаш органи ўртасида органик маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштириш;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш органик маҳсулотлар тоифасига кирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан алоҳида тарзда амалга оширилади;

ўтиш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни «ўтиш давридаги органик маҳсулотлар» сифатида тамғалаш ва реализация қилиш.

Органик маҳсулотлар тоифасига кирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш чоғида ўтиш даври белгиланиб, маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи томонидан бу давр ичида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бажарилиши таъминланади.

17-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга доир талаблар

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:

соғлом ҳайвонлар ва ўсимликлардан, хавфсиз маҳсулотлардан ҳамда келиб чиқиши ҳайвонлар ва ўсимликларга мансуб бўлган хом ашёдан фойдаланиш;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш чоғида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган технологиялардан фойдаланиш;

тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш;

ишлаб чиқариш учун органик маҳсулотларнинг муайян турини танлаш чоғида экологик тизимларни сақлаш;

қайта тикланадиган табиий ресурслардан, шу жумладан келиб чиқиши

ўсимликлар ва ҳайвонларга мансуб бўлган маҳсулотлардан ҳамда чиқиндилардан органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ фойдаланиш;

кайта тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланишни қисқартириш;

инсон соғлиғига, ўсимликларга ва ҳайвонларга зарар етказмайдиган, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини оладиган ёки унинг оқибатларини бартараф этадиган технологиялардан фойдаланиш;

технологик жараёнларни сифатли бажариш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда рухсат этилган нормаларда озиқ-овқат қўшимчаларидан, микроэлементлардан фойдаланиш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш, шу жумладан алмашлаб экишга, касалликларга, зараркунандаларга ва бегона ўтларга чидамли бўлган ўсимликлар турларини ҳамда навларини танлаш чоғида механик, биологик ва физик усулларни қўллаш;

маҳаллий шароитларга мослашган, чидамли ўсимлик турларини, навларини ва ҳайвонлар зотларини танлаш;

чорвачиликда органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун келиб чиқиши табиий бўлган моддалардан олинган ингредиентлардан иборат озуқаларни ва озуқавий қўшимчаларни қўллаш;

ичимлик суви учун қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб берадиган сувдан органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш чоғида ингредиент сифатида фойдаланиш;

айни бир турдаги органик ва ноорганик ингредиентларни битта органик маҳсулотга аралаштирмаслик.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш чоғида қуйидагилар тақиқланади:

синтетик моддалар, пестицидлар, гормонлар, антибиотиклардан ва кимёвий озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланиш;

тупроқдан фойдаланмасдан ўсимлик маҳсулотларини етиштириш усулларини қўллаш;

ионлаштирувчи нурланишдан (манбалардан) фойдаланиш;

табиий ҳолда ўсадиган ўсимликларга ишлов беришнинг кимёвий усулларидан фойдаланиш;

оқова сувлар чўкмасидан, септик чиқиндилардан ҳамда инсон ҳаётига ва фаолиятига доир бошқа чиқиндилардан таркиб топган моддалардан ўғит сифатида фойдаланиш;

чиқиндилардан, кимёвий ва радиоактив моддалардан ифлосланган ер участкаларидан, сув объектларидан ва (ёки) уларнинг қисмларидан фойдаланиш;

эмбрионларни трансплантация қилишни, клонлаштиришни ва генга оид муҳандислик усулларини, ген-муҳандислик-модификация қилинган ҳамда трансген организмларни қўллаш, шунингдек ген-муҳандислик-модификация қилинган ва трансген организмлардан фойдаланган ҳолда тайёрланган маҳсулотларни қўллаш.

Органик маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга, шу жумладан уларни параллель равишда ва бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш шарт-шароитларига доир алоҳида талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

18-модда. Органик маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига органик маҳсулотларни олиб кириш чоғида чет давлатнинг мувофиқликни баҳолаш органи томонидан берилган органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатининг ва ушбу мамлакатда қабул қилинган намунадаги органик маҳсулотларнинг келиб чиқишини тасдиқлайдиган сертификатнинг кўчирма нусхалари тақдим этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган органик маҳсулотларга нисбатан қонунчиликда белгиланган санитария, фитосанитария, ветеринария ҳамда ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари қўлланилади.

19-модда. Органик маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш

Органик маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шаклдаги органик жиҳатдан мувофиқлик сертификати тақдим этилганда амалга оширилади.

5-боб. Мувофиқликни баҳолаш, мувофиқликни баҳолаш органини авторизациялаштириш, органик маҳсулотлар соҳасидаги эквивалентликни баҳолаш, органик маҳсулотларни тамғалаш

20-модда. Органик маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлашнинг мувофиқлигини баҳолашни ташкил этиш органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар учун ихтиёрийдир.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, тамғалаш ва реализация қилишнинг мувофиқлигини баҳолаш чоғида инспекция назорати органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши нуктаи назаридан амалга оширилади.

Органик жиҳатдан мувофиқлик сертификати органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, тамғалаш ва реализация қилишнинг мувофиқлигини баҳолаш натижасидир.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи органик маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш тартиб-таомилидан ўтганидан ва органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини олганидан кейин органик маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Органик маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгисининг тавсифи, шакли ва унга доир техник талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

21-модда. Мувофиқликни баҳолаш органини авторизациялаштириш

Аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органи органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш жараёнларининг мувофиқлигини органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ баҳолаш ишларини кейинчалик амалга ошириш учун ваколатли давлат органи томонидан авторизациялаштиришдан ўтиши шарт.

Мувофиқликни баҳолаш органи авторизациялаштиришдан ўтиш учун ваколатли давлат органига авторизациялаштириш тўғрисида ариза беради.

Авторизациялаштириш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

аккредитация ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

юрidik шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

юрidik шахс уставининг ва (ёки) таъсис шартномасининг кўчирма нусхаси;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларга ишлов бериш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш (органик ўсимлик маҳсулотлари, чорвачиликдан олинадиган органик маҳсулотлар, органик озиқ-овқат маҳсулотлари, органик озуқа маҳсулотлари ва бошқалар) соҳасида базавий ихтисослашув тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган доимий инспекторларнинг ёки инспекторнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

мувофиқликни баҳолаш органи ходимларининг рўйхати ва уларнинг органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларга ишлов бериш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш соҳасидаги маляка даражасини (иш тажрибасини, органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасидаги махсус билимларини, органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини билишини) тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ваколатли давлат органи мувофиқликни баҳолаш органини авторизациялаштириш ҳақидаги ёки авторизациялаштиришни рад этиш тўғрисидаги қарорни ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида қабул қилади.

Мувофиқликни баҳолаш органи:

авторизациядан ўтган тақдирда, органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш жараёнларининг мувофиқлигини органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик

ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ баҳолашни белгиланган тартибда амалга оширади;

органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида ваколатли давлат органини ёзма шаклда хабардор қилади;

бир йил ичида берилган сертификатлар тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ваколатли давлат органига тақдим этади.

Мувофиқликни баҳолаш органининг авторизациялаштиришни рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

мувофиқликни баҳолаш органи авторизациялаштиришни бекор қилиш тўғрисида ариза берганда;

органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари мувофиқликни баҳолаш органи томонидан бузилганда;

ушбу модданинг учинчи қисми талабларига мувофиқ бўлмаганда;

мувофиқликни баҳолаш органи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган ахборот ишончсиз бўлганда;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганда, тугатилганда ёки у бекор қилинганда.

Мувофиқликни баҳолаш органи органик маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш тўғрисида ўзи билан шартнома тузган органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни ушбу органининг авторизациялаштирилиши бекор бўлганлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Мувофиқликни баҳолаш органи томонидан берилган, авторизациялаштирилиши бекор қилинган органик жиҳатдан мувофиқлик сертификати ҳақиқий деб топилади, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар эса органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи мақомини органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тугагунига қадар сақлаб қолади.

22-модда. Органик маҳсулотлар соҳасида эквивалентликни баҳолаш

Органик маҳсулотлар соҳасида эквивалентликни баҳолаш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида эквивалентликни баҳолаш чоғида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари хорижий мамлакатлар қонунчилигига ва халқаро стандартларга мувофиқ ўрганилади.

23-модда. Органик маҳсулотларни тамғалаш

Органик маҳсулотларни тамғалаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар органик маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувлар томонидан органик маҳсулотларни тамғалашда:

«organic» (органик), «biologic» (биологик), «ecologic» (экологик), «natural» (табiiй) деган сўзлардан ва уларнинг қисқартмаларидан ёки ушбу сўзлардан ҳосил қилинган сўзлардан алоҳида тарзда ёхуд органик маҳсулотларнинг номига қўшиб фойдаланилиши мумкин;

органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини берган мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрида назарда тутилган рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

24-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар реестри

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар реестри ваколатли давлат органи томонидан электрон ҳужжат тарзида шакллантирилади ва юритилади.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар реестри ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

25-модда. Органик маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш

Ваколатли давлат органи фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига таҳдид солиши ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган қалбакилаштирилган органик маҳсулотлар чиқарилишининг олдини олишга, унинг оқибатларини камайтиришга ёки уни бартараф этишга қаратилган чоралар тўғрисида аҳолини хабардор қилади.

Органик маҳсулотларни реализация қилиш билан шуғулланувчи шахсларга органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган органик маҳсулотларни реализация қилиш тақиқланади.

Мувофиқликни баҳолаш органи ваколатли давлат органига органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар томонидан органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш, шу жумладан уларни қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштиришни амалга ошириш тўғрисида ахборот тақдим этади.

26-модда. Низоларни ҳал этиш

Органик маҳсулотлар соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

27-модда. Органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

29-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

30-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 25 апрель,
ЎРҚ-766-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****159 Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини
моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида***

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини инфляция даражасига қараб индексациялаб бориш ҳамда тегишли ижтимоий тўловлар миқдорининг минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаслигини таъминлаш мақсадида:

1. 2022 йил 1 майдан бошлаб ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоизга оширилсин.

2. 2022 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 324 000 сўм;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига 633 000 сўм;

ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажи тўлиқ бўлмаган човдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 698 000 сўм;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 698 000 сўм;

1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инobatга олган ҳолда — ойига 3 080 000 сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (633 000 сўмдан) 698 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори — ойига 698 000 сўм этиб белгилансин.

3. Пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаган миқдорларда белгилаш мақсадида 2022 йил 1 майдан бошлаб:

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 500 000 сўм;

иш стажи тўлиқ бўлмаган човдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига 500 000 сўм;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 апрелда эълон қилинган.

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига 500 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — 185 000 сўмдан қўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига 500 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

4. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўшимча қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғирлашишининг олдини олиш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали 2022 йил 1 апрелга қадар нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун маълумотларнинг хато тақдим этилиши, киритилиши ва техник сабаблар туфайли фуқароларга ортиқча тўланган суммалар ҳисобдан чиқарилсин.

5. Пенсиялар ва нафақаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

6. Молия вазирлиги (Т. Ишметов):

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлашда минимал истеъмол харажатлари қийматининг мезон сифатида белгиланиши, мазкур турдаги тўловларни олувчилар сонининг кўпайиши ҳисобига Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратилишини таъминласин;

2022 йил 1 ноябрга қадар давлат пенсиялари миқдорларини ҳар йиллик инфляция даражасида қайта ҳисоблаш (ошириб бориш) тизимини жорий этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

9. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 апрель,
ПФ-128-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги
ПФ-128-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим
хужжатларига 2022 йил 1 майдан киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5765-сон Фармонининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Белгилансинки, 2019 йил 1 августдан бошлаб II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар — пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6224-сон Фармонининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. 2022 йил 1 майдан бошлаб 1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — 3 080 000 сўм этиб белгилансин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 августдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-6279-сон Фармонининг 2-бандидан тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-74-сон Фармонининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. 2022 йил 1 майдан бошлаб ногиронлик пенсиялари, шу жумладан

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсияси ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақасининг энг кам миқдори 698 000 сўм этиб белгилансин».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 107-сон қарориди:

а) 1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, ёшидан қатъий назар иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 1-иловада:

9-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши муносабати билан чекловчи чоралар (карантин) жорий этилганда, агар фуқаролар чекловчи чоралар (карантин) даврида ёки улар тугатилгандан кейин нафақа тайинлашни сўраб бир ой ичида мурожаат қилган бўлса, уларга нафақа уни олиш ҳуқуқи юзага келган кундан эътиборан тайинланади»;

иккинчи — бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

15-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

в) 2-иловада:

номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, ёшидан қатъий назар иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ»;**

1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, ёшидан қатъий назар иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга (кейинги ўринларда — меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар), болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга ҳар ойлик нафақаларни (кейинги ўринларда — нафақа) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди»;

2-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«парваришлаш нафақаси»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

4-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Саховат» уйларида ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатларида яшовчи давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, уларнинг шахсий сарф-харажатлари учун тегишли ёшга доир ёки ногиронлик нафақасининг 20 фоизи миқдоридagi маблағ тўлаб борилади.»;

қуйидаги мазмундаги III¹-боб билан тўлдирилсин:

«III¹. Парваришлаш нафақаси

13¹. Парваришлаш нафақаси ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тайинланади. Бунда, парваришлаш нафақаси ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болага ногиронлик белгиланган муддатга тайинланади.

Қонуний вакилга ҳар бир ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши учун алоҳида парваришлаш нафақаси тайинланади.

13². Парваришлаш нафақаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган касалликлар рўйхатига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан берилган ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги тўғрисидаги электрон маълумотга асосан тайинланади.

13³. Парваришлаш нафақаси қонуний вакилга (отаси, онаси, васийси, ҳомийси, оилага тарбияга олувчиси (патронат) ва фарзандликка олувчиси) ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган бола 18 ёшга тўлгунига қадар тайинланади»;

17¹-банддаги «нафақа» сўзидан кейин «(парваришлаш нафақаси бундан мустасно)» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 17²-банд билан тўлдирилсин:

«17². «Саховат» уйларида ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатларида яшовчи шахсларга нафақа тайинлаш тўғрисида

мазкур ташкилотлар маъмурияти томонидан ташкилот жойлашган ердаги Давлат хизматлари марказига мурожаат қилинади.»;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Ёшга доир нафақа тайинлашни сўраб ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ёшга тўлгандан сўнг олтмиш кун ичида;

ногиронлик нафақасини тайинлашни сўраб ногиронлик гуруҳи белгиланганидан сўнг олтмиш кун ичида;

боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлашни сўраб нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс вафот этган кундан бошлаб олти ой ичида;

парваришlash нафақасини тайинлашни сўраб ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ўзгалар парваришига муҳтожлиги белгиланганидан сўнг олтмиш кун ичида мурожаат этилган бўлса, нафақа уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан эътиборан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши муносабати билан чекловчи чоралар (карантин) жорий этилганда, агар фуқаролар чекловчи чоралар (карантин) даврида ёки улар тугатилгандан кейин нафақа тайинлашни сўраб бир ой ичида мурожаат қилган бўлса, уларга нафақа уни олиш ҳуқуқи юзага келган кундан эътиборан тайинланади.

Қолган барча ҳолатларда нафақа мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади»;

25-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нафақалар ногиронлик муддати белгиланган сўнгги ой учун, меҳнатга лаёқатли бўлмаган оила аъзосининг 18 ёшга тўлган ой учун, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган бола 18 ёшга тўлган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади»;

26-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, «Саховат» уйларида ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатларида яшовчи шахсларга, Давлат хизматлари марказига қилган мурожаатларига асосан нафақанинг 20 фоизи тўланади.»;

29-банд «, парваришlash нафақаси бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**160 Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг оилавий ва бошқа муқобил шакллари дават томонидан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

а) оилавий болалар уйларига Давлат бюджетидан маблағ ажратишнинг қўйидаги тартиби жорий этилади:

оилавий болалар уйларининг сақлаш харажатлари учун Давлат бюджетидан маблағ ажратишда бир нафар тарбияланувчига тўғри келадиган харажатлар миқдори ҳамда болалар сонидан келиб чиқиб, зарур маблағлар ота-оналар номига очилган банк пластик карталарига ўтказиб берилади;

оилавий болалар уйларида бир нафар тарбияланувчи учун Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ойлик харажатлар таркибига коммунал харажатлар ҳам киритилади;

б) оилавий болалар уйлари томонидан истеъмол қилинган коммунал хизматлар учун тўловлар жисмоний шахслар учун белгиланган нархларда амалга оширилади;

в) жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда ҳамда ногиронлиги бўлган болалар касб-хунар мактабларида ишловчи техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг базавий тариф ставкаларига 50 фоиз миқдорда устамалар тўланади.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Молия вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда оилавий болалар уйларига Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин;

жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар кутубхона фондини хатловдан ўтказсин, ушбу муассасаларни Республика мақсадли китоб жамғармаси орқали бадий адабиётлар билан мунтазам таъминлаш учун ҳар йили 5 миллиард сўм йўналтирсин;

жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаш-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 апрелда эълон қилинган.

тирилган мактаб ва мактаб-интернатлар ўқувчилари ўртасида босқичма-босқич барча фанлардан фан олимпиадаларининг ташкил этилишини таъминласин.

2. Қўйидагилар:

2021 йилда эшитиш қобиляти заиф болаларнинг одатий ҳаётга мослашувини осонлаштириш учун халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда 4 минг дона замонавий эшитиш мосламалари ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган заиф эшитувчи болаларга етказиб берилиши натижасида уларнинг эшитиш қобиляти яхшиланиб, умумтаълим фанларини ўзлаштириш даражаси ошганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида мактабгача ёшдаги ногиронлиги бўлган болаларга таълим бериш билан биргаликда, реабилитация хизматларини кўрсатиш имкониятига эга бўлган биттадан «Имкон» кўп тармоқли ихтисослашган мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков), Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) ва Молия вазирлиги (Т. Ишметов) заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларини 2022 йил якунига қадар замонавий эшитиш мосламалари билан тўлиқ таъминласин, 2023 йилдан бошлаб эса, эҳтиёждан келиб чиқиб, замонавий эшитиш мосламаларини мунтазам равишда харид қилиш амалиётини жорий қилсин.

Вазирлар Маҳкамаси 2023 — 2025 йилларда қолган 10 та ҳудудда реабилитация марказига эга бўлган «Имкон» кўп тармоқли ихтисослашган мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ва мактабгача ёшдаги ногиронлиги бўлган болаларни ушбу муассасалар билан қамраб олиш чораларини кўрсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар уларга давлат томонидан иккиламчи бозордан олиб берилган уй-жойларни мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида ўз номига расмийлаштиришда нотариус ва кадастр хизматлари учун (олди-сотди шартномаси ва кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш) давлат божи тўлашдан озод этилади;

б) етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга давлат олий таълим муассасаларида озиқ-овқат, кийим-кечак ва санитария воситалари харид қилиш учун маблағ ажратиш амалиёти нодавлат олий таълим муассасалари талабаларига ҳам татбиқ этилади.

Бунда, ушбу мақсадлар учун маблағлар Давлат бюджети параметрларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилган ресурсларда назарда тутилади ва нодавлат олий таълим муассасаларининг сўровига асосан ажратиб борилади;

в) 2022 йил 1 июндан бошлаб «Ишга марҳамат» мономарказларида инклюзив таълим асосида касб-хунарга ўқитилаётган ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақаси билан бир вақтда, Бандликка кўмаклашиш

давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик стипендия тўлаб берилади.

4. 2022 йил 1 майдан бошлаб «Саховат» уйларида яшовчи зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга шахсий сарф-харажатлари учун ҳар ойда тегишли нафақа миқдорининг 20 фоизини тўлаш тартиби жорий қилинсин.

5. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон «Veteran» жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмасининг Афғон урушида иштирок этган ногиронлиги бўлган жангчи-фахрийларни индивидуал ўлчовлар асосида тайёрланадиган тегишли замонавий протез-ортопедия мосламалари билан таъминлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков), Ўзбекистон «Veteran» жангчи-фахрийлар ва ногиронлар бирлашмаси икки ой муддатда Афғон урушида иштирок этган ногиронлиги бўлган жангчи-фахрийларни протез-ортопедия мосламалари билан таъминлаш режа-графикини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) мазкур бандда назарда тутилган тадбирлар учун Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2022 йилда Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратсин.

6. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги учун пенсия тайинлангандан кейин ишлаган фуқароларнинг иш стаж ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда, ногиронлик пенсияси миқдорларини ҳар икки йилда қайта ҳисоблаш тартиби жорий этилади.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган тартибни жорий этиш бўйича «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат ноτιжорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари (кейинги ўринларда — ҳудудий жамоат фондлари) ҳисобидан Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ҳамда Ўзбекистон ногиронлар ассоциациясининг ҳудудий бўлинмаларига давлат субсидиясини ажратиш тизими жорий этилади.

Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ва Ўзбекистон ногиронлар ассоциациясининг ўз ҳудудий бўлинмалари томонидан 2023 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳудудлардаги ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, жамиятда ўз ўрнини топишида кўмаклашиш бора-

сида амалга оширилган ишлар натижаси бўйича ҳар чоракда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот бериш амалиётини йўлга қўйиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда, икки ой муддатда Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти ва Ўзбекистон ногиронлар ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари учун тавсиявий штатлар меъёрларини ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш ва ҳудудий жамоат фондларига етказиш тавсия этилсин.

Молия вазирлиги 2023 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида ҳудудий жамоат фондлари учун тегишли маблағлар кўзда тутилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг 2022-2023 йилларда давлат ижтимоий муассасаларининг қуриш ва таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 600 миллиард сўм йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А. Бобоев):

Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2022-2023 йилларда давлат ижтимоий муассасаларининг қурилиш ва таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин; қурилиш-таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари ўрнатилган тартибда 2023 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилишини таъминласин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) давлат ижтимоий муассасаларини жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 2022 йилда Давлат бюджети параметрларида аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағларнинг йил якунига қадар иқтисод қилиниши кутилаётган қисми ҳисобидан 150 миллиард сўм ажратсин, 2023 йилда эса қурилиш-таъмирлаш ишларини ўрнатилган тартибда 2023 йилга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида кўзда турсин.

9. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) мазкур қарорда кўзда тутилаётган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун асосланган ҳисоб-китобларга асосан Давлат бюджетидан маблағ ажратилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков, халқ таълими вазири Б.О. Саидов ва соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 апрель,
ПҚ–230-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ****161 Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига
қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-12*

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ–645-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПФ–6262-сон «Республикада Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 389-сон «Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 6 мартдаги 129-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 9 октябрдаги 637-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 22 октябрдаги 655-сон «Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 5 апрель,
222-мҲ-сон

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2022 йил
5 апрелдаги 222-мҲ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Миллий оператор Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими оператори ҳисобланади.»;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 101-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Қуйидаги мазмундаги 104²-банд билан тўлдирилсин:

«104². Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан юридик ва жисмоний шахслар номига йўлланувчи хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 637-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.».

4. 136-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«136. Почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини юбориш ва (ёки) олиш учун зарур бўлган шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти (ёки идентификация ID-картаси) ёхуд дипломатик паспорти;

б) муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиси ва олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларининг курсанти (тингловчиси)нинг ҳарбий гувоҳномаси ёки тегишли вазирликлар ва идоралар билан шартнома бўйича хизмат қиладиган зобитларнинг шахсий гувоҳномаси;

в) хорижий фуқаронинг миллий ёки дипломатик паспорти;

г) Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси (идентификация ID-картаси);

д) миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳисобланади.».

5. 3-иловада:

1-бандда:

«а» кичик банд «совуқ қурол» деган сўзлардан кейин «ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«б» кичик банд «психотроп» деган сўздан кейин «моддалар ва прекурсорлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3-банднинг «в» кичик банди еттинчи хатбошисидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

162 **Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-6*

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 апрелдаги ЎРҚ–685-сон «Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 апрелда эълон қилинган.

«Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 январдаги 6-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2428, 2013 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 апрель,
223-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2022 йил
13 апрелдаги 223-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги
юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 20-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«20. Табiiй радиацион фоннинг йўл қўйиладиган даражаси сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари томонидан белгиланган радиацион хавфсизлик нормалари қўлланилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**163** Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқноманинг 285-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-6*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги ПФ-6300-сон «Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғи (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 502-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқноманинг 285-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Табеллар ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланган шахслар томонидан ҳар ойда белгиланган шаклда юритилади. Табеллар бутун ташкилот бўйича ёки тузилмавий бўлинмалар (бўлимлар, бўлинмалар, факультетлар, лабораториялар ва бошқалар)ға бўлинган ҳолда юритилади. Ойнинг охирида табель бўйича ишланган кунларнинг умумий миқдори, шунингдек, ортиқча ишланган соатлар аниқланади. Тўлдирилган ва тегишли имзолар билан расмийлаштирилган табеллар, ишға қабул қилиш ва бўшатиш тўғрисидаги буйруқлардан кўчирма ҳамда бошқа (ЖШШИР, жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи, паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта маълумотлари ва бошқа) маълумотлар ташкилотнинг кадрлар бўлими (ходимлар билан ишлаш бўлинмаси ёки унинг вазифаси юклатилган ходим) томонидан «UzASBO» дастурий мажмуасига киритилади ҳамда иш ҳақи ҳисоблаш учун бухгалтерияға топширилади.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 15 апрель,
12-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**164 «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2515-4

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 9 сентябрдаги 83-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2515, 2013 йил 9 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 553-модда) иловаға** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 апрель,
11-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 апрелда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

165 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқнома, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 390-4

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 апрелдаги 160-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор 2022 йил 1 майдан эътиборан кучга киради.

Раис

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 18 апрель,
8/02-22-9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил
18 апрелдаги 8/02-22-9-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1997 йил 10 декабрда 05/8-374-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 390, 1998 йил 13 январь).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 21 декабрда 02/8-18-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белги-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 апрелда эълон қилинган.

лаш бўйича йўриқномага 1-сон қўшимчалар (рўйхат рақами 390-1, 1999 йил 30 декабрь).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 27 декабрдаги 01-02/8-68-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 390-2, 2017 йил 25 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 58-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 19 февралдаги 01-02/8-13-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 390-3, 2019 йил 26 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.02.2019 й., 10/19/390-3/2668-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

166 Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3364

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон «Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги ва 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон «Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 апрелда эълон қилинган.

қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Тошкент ш.,
2022 йил 27 апрель,
2022-14-сон

Ш. КУДБИЕВ

Келишилди:

*Бош прокурор
ўринбосари*

2022 йил 26 апрель

Б. ВАЛИЕВ

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

2022 йил 26 апрель

Д. КАСИМОВ

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

2022 йил 26 апрель

Д. ВАХАБОВ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил
27 апрелдаги 2022-14-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 августдаги 2018-68-сон «Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3075, 2018 йил 5 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 40-сон, 806-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги 2020-11-сон «Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3232, 2018 йил 2 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 18-сон, 194-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 30 апрелдаги 2020-14-сон «Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3236, 2020 йил 29 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 21-сон, 231-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-16-сон «Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3247, 2020 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 24-сон, 271-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-17-сон «Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3251, 2020 йил 30 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 27-сон, 310-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

167 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3365*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 майдаги 277-сон «Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2022 йил 1 сентябрдан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. НОРКОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 март,
12-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни ривожланти-
риш давлат қўмитасининг 2022 йил
12 мартдаги 12-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган
давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни
ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган
экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий
экспорт қилувчилар) реестрини шакллантириш ва
юретиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни (бундан буён матнда назорат остидаги товарлар деб юритилади) ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аудит — масъул органнинг ветеринария назорати хизмати томонидан назорат остидаги товарларнинг ветеринария, ветеринария-санитария жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятни баҳолаш;

инспекция — хорижий экспорт қилувчилар ва уларнинг назорат остидаги товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнларида иштирок этувчи барча объектларини бевосита жойига чиққан ҳолда ҳамда назорат остидаги товарлардан намуналар олиш йўли билан текшириш;

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси;

масъул орган — хорижий давлатнинг давлат ветеринария назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли органи;

хорижий экспорт қилувчилар — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган назорат остидаги товарларни ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва сақловчи экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар;

инспектор — ваколатли орган ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги давлат ветеринария инспекторлари;

эксперт — олий маълумот ва давлат ветеринария хизматида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган ваколатли орган тизимидаги ветеринария мутахассиси ҳамда ваколатли орган томонидан келишув асосида жалб этиладиган, аудит ва инспекция ўтказиш бўйича кўникмага эга бўлган эксперт;

эпизоотия — тегишли ҳудудда ҳайвонларнинг ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликлари тарқалиши;

назорат остидаги объектлар — хорижий экспорт қилувчиларнинг назорат остидаги товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнларида иштирок этувчи барча объектлари;

назорат остидаги товарлар — қонунчилик ҳужжатларида белги-ланган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар;

Реестр — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган на-зорат остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақ-лайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахсларнинг (хорижий экспорт қилувчилар) электрон реестри;

Реестрга киритиш тўғрисидаги ариза — масъул органнинг вако-латли органга хорижий экспорт қилувчиларни Реестрга киритиш ҳақидаги мурожаати;

хорижий давлат расмий назорат тизими — масъул органнинг назорат остидаги товарларни ветеринария, ветеринария-санитария жиҳат-дан хавфсизлигини таъминлаш бўйича ветеринария назорати тизими;

Ўзбекистон Республикасининг талаблари — ветеринария соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ҳамда жисмоний шахслар риоя этиши лозим бўлган ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 май-даги 277-сон «Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар хавф-сизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қаро-рига асосан назорат остидаги товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳуду-дига олиб киришга Реестрга киритилган хорижий экспорт қилувчиларга рухсат берилади.

Ушбу Низом талаблари фавқулодда вазиятларда, халқаро кўргазмаларда қатнашишда, лаборатория таҳлиллари учун намуналарда, шунингдек дип-ломатик корпус, ўқув муассасалари, илмий ва давлат мақсадлари учун олиб келинадиган назорат остидаги товарларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Хорижий давлатлардан назорат остидаги товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга ветеринария, ветеринария-санитария қоида-лари ва нормаларига риоя этилган ҳолда йўл қўйилади.

4. Бошқа давлатлар ҳудудида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касаллик-лари, ҳайвонларнинг келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлган ялпи касаллик-лари ва ҳайвонларнинг илгари қайд этилмаган юқумли касалликлари пайдо бўлган тақдирда назорат остидаги товарларни олиб ўтишга тақиқ (чеклов) жорий этиш ҳамда уларни олиб ўтишни тиклаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Рес-публикаси Бош давлат ветеринария инспектори томонидан қабул қилинади.

2-боб. Реестрни шакллантириш ва юритишга доир умумий талаблар

5. Хорижий экспорт қилувчиларни Реестрга киритиш ваколатли орган-

нинг инспекторлари ва экспертлари томонидан жойига чиққан ҳолда ўтказиладиган аудит ва инспекция натижаларига кўра ёки масъул орган томонидан мазкур Низомнинг 6-бобига мувофиқ бериладиган кафолат асосида амалга оширилиши мумкин.

6. Аудит ва инспекция мазкур Низом ва ветеринария соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини сақлаш ташкилотининг (бундан буён матнда ХЭБ деб юритилади) кодекслари, Кодекс Алиментарийс комиссияси стандартлари ҳамда ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг (бундан буён матнда ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатлари деб юритилади) талаблари асосида ўтказилади.

7. Хорижий экспорт қилувчиларни Реестрга киритиш бўйича аудит ва инспекция масъул органнинг Реестрга киритиш тўғрисидаги аризасига асосан ўтказилади.

8. Хорижий давлат расмий назорат тизими ва хорижий экспорт қилувчиларнинг назорат остидаги объектлари Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисидаги кафолат асосида хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритиш ҳақида масъул орган томонидан ваколатли органга йўлланадиган мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўриб чиқилади.

9. Аудит ва инспекция натижалари хорижий мамлакат ҳудудидаги эпизоотик вазиятга, ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатлари талабларига, шунингдек эпизоотик мониторинг маълумотларига асосланиши лозим.

10. Инспектор ва экспертлар аудит ва инспекцияни ўтказиш жараёнида мустақил ҳаракат қилади.

11. Инспектор ва экспертлар аудит ва инспекция ўтказиш жараёнида хорижий давлат расмий назорат тизими ҳамда хорижий экспорт қилувчилар ҳақидаги маълумотлар учинчи шахсларга ошкор этилмаслигини таъминлаши лозим.

12. Масъул орган ўз давлатининг қонунчилигида Реестрга киритилган хорижий экспорт қилувчиларнинг назорат остидаги товарларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнлари ёки хорижий давлат расмий назорат тизими билан боғлиқ ўзгаришлар ҳақида ваколатли органни доимий равишда хабардор қилиб боради.

3-боб. Реестрга киритиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш, аудит ва инспекция тайинлаш ёки уларни тайинлашни рад этиш

13. Масъул орган ваколатли органга хорижий экспорт қилувчиларни Реестрга киритиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки ваколатли органнинг расмий сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилади.

14. Реестрга киритиш тўғрисидаги аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

назорат остидаги товарларни экспорт қиладиган хорижий давлатнинг номи;

масъул органнинг расмий номи, жойлашган манзили (почта манзили, шу жумладан электрон почта манзили), телефон ва факс рақамлари;

назорат остидаги товарнинг номи ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси (бундан буён матнда ТИФ ТН деб юритилади) бўйича коди;

назорат остидаги товарнинг келиб чиқиш жойи (алоҳида маъмурий-худудий бирликни кўрсатган ҳолда (масалан, вилоят, штат, провинция);

хорижий экспорт қилувчининг расмий номи, жойлашган манзили (почта манзили, шу жумладан электрон почта манзили), телефон ва факс рақамлари, шунингдек унга хорижий давлатнинг тегишли органи томонидан берилган идентификация рақами (СТИР).

15. Ваколатли орган масъул органнинг Реестрга киритиш тўғрисидаги аризасини у келиб тушган кундан бошлаб 15 календарь кун ичида кўриб чиқади.

Бунда, масъул органнинг давлатидаги эпизоотик вазият барқарор ҳамда Реестрга киритиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган нazorat остидаги товарни олиб ўтишга Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг қарорига асосан тақиқ (чеклов) жорий этилмаган бўлса, ваколатли орган хорижий давлат расмий нazorat тизимини аудитдан ўтказиш юзасидан саволнома (бундан буён матнда аудит саволномаси деб юритилади) тайёрлайди ҳамда уни ариза келиб тушган тартибда масъул органга юборади.

16. Агар масъул органнинг давлатидаги эпизоотик вазият мураккаб ёки Реестрга киритиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган нazorat остидаги товарни олиб ўтишга Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг қарорига асосан тақиқ (чеклов) жорий этилган бўлса, ушбу аризани кўриб чиқиш мазкур давлатда эпизоотик вазият барқарорлашгунга қадар ёки нazorat остидаги товарлар бўйича тақиқ (чеклов) бекор қилингунга қадар тўхтатиб турилади ва бу ҳақда масъул органга хабар берилади.

17. Аудит саволномасида масъул орган томонидан тақдим этилиши лозим бўлган қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

масъул органнинг тузилмаси, ваколатлари, вазифа ва функциялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ветеринария нazorати тизимининг аҳволи;

хорижий давлатнинг соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари, регламентлари ҳамда стандартлари рўйхати ва уларнинг матни;

хорижий давлат расмий нazorat тизимининг кадрлар билан таъминланганлик ҳолати;

хорижий давлат расмий нazorat тизими эпизоотияга қарши тадбирларни амалга ошириш учун молиявий ресурслар билан таъминланганлиги;

одамлар ҳамда ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлиғини улар учун умумий бўлган ва бошқа юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш тизимининг мавжудлиги;

ветеринария соҳасида сифатни бошқариш сиёсати ҳамда уни таъминлаш тизимининг мавжудлиги;

ишлаб чиқариш тизимини ветеринария-санитария жиҳатидан баҳолаш ва назорат қилиш дастурининг мавжудлиги;

қонунчилик ҳужжатларига асосан эпизоотик мониторинг ва ҳайвонлар идентификацияси тизимининг мавжудлиги;

аккредитацияланган тегишли лабораторияларнинг мавжудлиги;

ветеринария соҳасида хавфни таҳлил қилиш тизимининг мавжудлиги;

назорат остидаги товарларни сертификатлаш тизимининг мавжудлиги;

хорижий давлатдаги ҳайвонларнинг бош сони (статистик таҳлили);

ХЭБга хабар берилиши лозим бўлган ҳайвонлар касалликлари ва улар соғлигининг ҳолати бўйича ХЭБга хабар бериш тизимининг мавжудлиги.

18. Масъул орган аудит саволномасини олган кундан бошлаб 30 календарь кундан кечиктирмай ваколатли органга аудит саволномасида сўралган маълумотларни келишилган шаклда (ёзма ёки электрон) тақдим этиши лозим.

19. Ваколатли орган масъул орган томонидан аудит саволномаси асосида тақдим этилган маълумотларни 60 календарь кундан кечиктирмай ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш натижаларига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

хорижий давлат расмий назорат тизимини аудитдан ва назорат остидаги объектни инспекциядан ўтказиш тўғрисида;

хорижий давлат расмий назорат тизимини аудитдан ва назорат остидаги объектни инспекциядан ўтказишни рад этиш тўғрисида.

20. Қуйидагилар ваколатли орган томонидан хорижий давлат расмий назорат тизимини аудитдан ва назорат остидаги объектни инспекциядан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишга асос бўлади:

ушбу хорижий давлат ҳудудида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари, ҳайвонларнинг келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлган ялли касалликлари ва ҳайвонларнинг илгари қайд этилмаган юқумли касалликлари пайдо бўлганлиги сабабли эпизоотик вазиятнинг мураккаблиги;

Реестрга киритиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган назорат остидаги товарларни олиб ўтишга Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг қарорига асосан тақиқ (чеклов) жорий этилганлиги;

масъул орган томонидан 30 календарь кун ичида аудит саволномасида сўралган тегишли маълумотлар ваколатли органга тақдим этилмаганлиги;

аудит саволномасига жавобан масъул орган томонидан тегишли маълумотларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги;

масъул орган томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончсиз ёки бузиб кўрсатилганлиги ёхуд ушбу маълумотлар хорижий мамлакатдаги ҳақиқий эпизоотик вазиятни ифода этмаслиги;

ХЭБнинг Халқаро ветеринария кодекслари талабларига мувофиқ назорат остидаги товарларнинг хавф даражасини баҳолаш натижасида уларнинг ветеринария хавфи даражаси ўрта ёки юқори деб белгиланганлиги;

аудит саволномаси бўйича масъул орган томонидан тақдим қилинган тегишли маълумотларни кўриб чиқиш натижасида хорижий давлат расмий

назорат тизими Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ эмас деб ҳисобланганлиги.

21. Ваколатли орган томонидан аудит ва инспекция ўтказиш ёки улар ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор, у қабул қилинган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай масъул органга юборилиши лозим.

22. Ваколатли орган томонидан масъул органга аудит ва инспекция ўтказиш тўғрисидаги қарорга қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар юборилади:

аудит ва инспекцияни ўтказиш мақсадлари;

аудит ва инспекцияни ўтказиш учун хорижий давлатга юбориладиган инспектор ва экспертлар рўйхати;

масъул органнинг аудит ўтказилиши режалаштирилган таркибий бўлинмалари ва фаолият йўналишлари рўйхати;

назорат остидаги товардан келиб чиқиб, инспекция доирасида кузатиш учун ташриф буюрилиши мумкин бўлган хом ашё етказиб берувчилар (хорижий экспорт қилувчиларга) ҳамда назорат остидаги товарни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашда иштирок этувчи бошқа корхоналар рўйхати;

аудит ва инспекция ўтказилиши учун инспектор ҳамда экспертларга келишилган тилда (ўзбек, рус, инглиз ёки бошқа хорижий тилда) масъул орган томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати.

23. Аудит ва инспекция ўтказишни бошлаш муддатлари масъул орган билан келишилган ҳолда белгиланади.

24. Аудит ва инспекция ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, агар халқаро шартномаларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2730, 2015 йил 19 ноябрь) мувофиқ масъул орган томонидан қопланади.

4-боб. Хорижий давлат расмий назорат тизимини аудитдан ўтказиш

25. Назорат остидаги товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш билан боғлиқ жараёнларнинг ветеринария, ветеринария-санитария жиҳатдан хавфсизлиги ветеринария назорати остида эканлигини ўрганиш, шунингдек хорижий давлат расмий назорат тизими Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ваколатли орган томонидан хорижий давлат расмий назорат тизимида аудит ўтказилади.

26. Аудитни ўтказиш учун ваколатли орган томонидан хорижий давлат ҳудудига инспектор ва экспертлардан иборат мутахассислар гуруҳи (бундан буён матнда мутахассислар деб юритилади) юборилади.

27. Аудит ваколатли органга аудит саволномасига жавобан масъул орган томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ушбу маълумотларнинг

мотлар хорижий давлат расмий назорат тизимининг ҳақиқий аҳволига мос ёки мос эмаслигини таққослаш йўли билан текшириш орқали ўтказилади.

28. Аудитни ўтказиш беш иш куни ичида яқунланиши лозим.

29. Аудит натижасида масъул орган томонидан аудит саволномасига жавобан тақдим этилган маълумотлар:

тасдиқланса ва хорижий давлат расмий назорат тизимининг ҳақиқий ҳолатига мос деб ҳисобланса, хорижий давлат расмий назорат тизими Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ деб топилади;

тасдиқланмаса ва хорижий давлат расмий назорат тизимининг ҳақиқий ҳолатига мос эмас деб ҳисобланса, хорижий давлат расмий назорат тизими Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилади.

30. Хорижий давлат расмий назорат тизими Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилганда инспекция ўтказилмайди.

31. Масъул орган аудит натижасида хорижий давлат расмий назорат тизимини Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топишга асос бўлган камчиликларни бартараф этган ҳолда ушбу камчиликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан бирга ваколатли органга қайтадан мурожаат қилиши мумкин. Бунда, ушбу мурожаат ваколатли орган томонидан мазкур Низомнинг 3-бобига мувофиқ умумий асосларда кўриб чиқилади.

32. Бир турдаги назорат остидаги товар бўйича аввал ўтказилган аудит натижасида хорижий давлат расмий назорат тизими Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ деб топилган бўлса, шу давлатда айнан ушбу турдаги назорат остидаги товарни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган бошқа хорижий экспорт қилувчиларни Реестрга киритишда хорижий давлат расмий назорат тизимини қайтадан аудитдан ўтказиш талаб этилмайди.

5-боб. Хорижий экспорт қилувчиларнинг назорат остидаги объектларини инспекциядан ўтказиш

33. Аудит натижасига кўра хорижий давлат расмий назорат тизими Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ деб топилганда масъул органнинг Реестрга кириши тўғрисидаги аризасида кўрсатилган хорижий экспорт қилувчининг назорат остидаги объектларида молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда инспекция ўтказилади.

34. Инспекция хорижий экспорт қилувчиларнинг назорат остидаги объектларида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнлари Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

35. Инспекция бошланишидан аввал масъул орган билан келишилган

холда мутахассислар томонидан инспекция давомида ўрганиладиган назорат остидаги объектлар рўйхати, номи ҳамда инспекция ўтказиш муддатлари кўрсатиладиган инспекция ўтказиш режаси тасдиқланиши ва масъул органга такдим этилиши керак.

36. Инспекция аудит ўтказишда бевосита иштирок этган мутахассислар томонидан аудит яқунланган кундан кейинги иш кунидан бошлаб беш иш куни (агар инспекция ўтказиладиган хорижий экспорт қилувчилар сони биттадан ортиқ бўлса, ҳар бирида беш иш куни) давомида ўтказилади.

37. Инспекцияни ўтказиш давомида текшириладиган назорат остидаги объектлардан ташқари хорижий экспорт қилувчига хом ашё етказиб берувчи бошқа корхоналарга қарашли объектларга, агар бундай ташрифлар инспекция ўтказиш режасида назарда тутилган бўлса, масъул орган билан келишилган ҳолда ва фақат кузатиш мақсадида ташриф буюрилиши мумкин.

38. Инспекция ўтказиш давомида инспекция ўтказилаётган хорижий экспорт қилувчи ишлаб чиқарган, қайта ишлаган ёки сақлаган назорат остидаги товарлардан, шунингдек уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашёлардан ушбу Низомнинг 7-бобига мувофиқ танлов асосида намуналар олинади.

39. Инспекция давомида назорат остидаги объектларнинг Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига номувофиқлиги билан боғлиқ ва жойида бартараф этилиши мумкин бўлган камчиликлар аниқланган тақдирда мутахассислар мазкур камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни масъул орган ёки хорижий экспорт қилувчининг сўровига кўра инспекция яқунда такдим этади.

Бунда, хорижий экспорт қилувчи ушбу камчиликлар бартараф этилганлиги ёки уларни бартараф этиш чоралари кўрилаётганлиги ҳақидаги маълумотларни мутахассисларга, улар ушбу хорижий мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишидан аввал масъул орган орқали такдим қилиши мумкин. Мазкур маълумотлар мутахассислар томонидан инспекция натижалари бўйича ҳисобот тузишда инobatга олиниши керак.

40. Инспекция натижалари юзасидан ваколатли орган томонидан инспекция яқунланган кундан эътиборан 90 календарь кундан кечиктирмай ушбу инспекцияни ўтказган мутахассислар иштирокида дастлабки ҳисобот тайёрланиши ва масъул органга юборилиши лозим.

41. Масъул орган ваколатли органнинг дастлабки ҳисоботини олган кундан эътиборан 30 календарь кундан кечиктирмай дастлабки ҳисобот юзасидан ўз таклиф ва эътирозлари (мавжуд бўлса), шунингдек аниқланган камчиликлар (мавжуд бўлса) бартараф этилганлигини ёки уларни бартараф этиш чоралари кўрилаётганлигини тасдиқловчи маълумотлар кўрсатилган жавоб хатини ваколатли органга юбориши мумкин. Масъул орган томонидан мазкур муддат ичида ваколатли органга жавоб хати юборилмаслиги масъул орган дастлабки ҳисоботга тўлиқ рози деб ҳисоблашга асос бўлади.

42. Ваколатли орган масъул органнинг жавоб хатини олган кундан эътиборан ёки масъул орган жавоб хати юбормаган тақдирда, мазкур Ни-

зомнинг 41-бандида белгиланган муддат якунланган кундан эътиборан 60 календарь кун ичида масъул органга аудит ва инспекция натижалари бўйича якуний ҳисоботни юбориши лозим.

43. Якуний ҳисоботда аудит ҳамда инспекциядан ўтказилган ҳар бир хорижий экспорт қилувчи бўйича алоҳида хулоса, шунингдек, агар хорижий экспорт қилувчининг назорат остидаги объектларида камчиликлар аниқланган бўлса, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши керак бўлган чоралар бўйича тавсиялар кўрсатилиши керак.

44. Назорат остидаги товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнлари Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқлигидан, шунингдек назорат остидаги товарлар ва уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашёлардан танлов асосида олинган намуналарнинг лаборатория текширувлари натижаларидан келиб чиқиб, якуний ҳисоботда ҳар бир хорижий экспорт қилувчи бўйича алоҳида қўйидаги қарорлардан бири кўрсатилади:

хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритиш ҳақида;

хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритишни рад этиш ҳақида.

45. Ваколатли орган якуний ҳисоботни ўзининг расмий сайтида эълон қилади. Бунда, эълон қилинадиган якуний ҳисоботда Реестрга киритилиши рад этилган хорижий экспорт қилувчиларни идентификация қилиш имконини берувчи маълумотлар (масалан, номи, манзили, хорижий давлатнинг тегишли органи томонида берилган идентификация рақами (СТИР) кўрсатилмайди.

46. Ваколатли орган Реестрга киритилган хорижий экспорт қилувчилар бўйича хорижий давлат расмий назорат тизими ҳамда назорат остидаги объектларни Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3198, 2019 йил 29 ноябрь) белгиланган тартибда ўрганиб бориши мумкин.

6-боб. Кафолат бериш

47. Масъул орган ўз мамлакатадаги расмий назорат тизими ва хорижий экспорт қилувчиларнинг назорат остидаги объектлари Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида кафолат (бундан буён матнда кафолат деб юритилади) берган ҳолда хорижий экспорт қилувчиларини аудит ва инспекция ўтказмасдан Реестрга киритишни сўраб ваколатли органга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат (бундан буён матнда кафолат бериш ҳақидаги мурожаат деб юритилади) қилиши мумкин.

48. Масъул органнинг кафолати ҳар бир хорижий экспорт қилувчи учун назорат остидаги товарнинг ТИФ ТН коди бўйича алоҳида тақдим этилиши лозим.

49. Масъул органнинг кафолат бериш ҳақидаги мурожаатида мазкур Низомнинг 14 ва 17-бандларига мувофиқ Реестрга киритиш тўғрисидаги

ариза ва аудит саволномасида сўралган барча маълумотлар кўрсатилиши керак.

50. Масъул органнинг кафолат бериш ҳақидаги мурожаати у келиб тушган кундан эътиборан 60 календарь кундан кечиктирмай ваколатли орган томонидан кўриб чиқилади.

51. Масъул органнинг кафолат бериш ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан қуйидагилар инобатга олинади:

хорижий давлатнинг соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари, регламентлари ҳамда стандартларининг мавжудлиги;

масъул органнинг тузилмаси, ваколатлари, вазифа ва функциялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ветеринария назорати тизимининг аҳволи; қонунчилик ҳужжатларига асосан эпизоотик мониторинг ва ҳайвонлар идентификацияси тизимининг мавжудлиги;

ветеринария соҳасида хавфни таҳлил қилиш тизимининг мавжудлиги;

назорат остидаги товарларни сертификатлаш тизимининг мавжудлиги;

ХЭБга хабар берилиши лозим бўлган ҳайвонлар касалликлари ва улар соғлигининг ҳолати бўйича ХЭБга хабар бериш тизимининг мавжудлиги;

ветеринария соҳасида сифатни бошқариш сиёсати ҳамда уни таъминлаш тизимининг мавжудлиги;

ишлаб чиқариш тизимини ветеринария-санитария жиҳатидан баҳолаш ва назорат қилиш дастурининг мавжудлиги;

масъул органнинг аввал тақдим этилган кафолатлари бўйича Реестрга киритилган хорижий экспорт қилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига риоя қилинганлик ҳолати;

хорижий давлат ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилишнинг таъминланганлиги;

хорижий давлатдаги эпизоотик вазият;

кафолат берилаётган хорижий экспорт қилувчиларнинг назорат остидаги товарларини олиб ўтишга Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг қарорига асосан тақиқ (чеклов) жорий этилганлиги;

назорат остидаги товарларни ушбу хорижий мамлакатдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиш бўйича ваколатли орган томонидан ўтказилган мониторинг натижалари (мавжуд бўлса);

назорат остидаги товарлар бўйича масъул орган томонидан ўтказилган мониторинг натижалари;

кафолат берилиши назарда тутилаётган хорижий экспорт қилувчилар фаолиятида ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари талабларига риоя этилишининг ҳолатини масъул орган томонидан доимий равишда назорат қилиш тизимининг мавжудлиги;

муқаддам ушбу хорижий мамлакатдаги хорижий экспорт қилувчиларни ваколатли орган томонидан инспекциядан ўтказишнинг натижалари (мавжуд бўлса);

хорижий экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа маълумотлар (мавжуд бўлса).

52. Масъул органнинг қафолат бериш ҳақидаги мурожаатини мазкур Низомнинг 51-бандига мувофиқ кўриб чиқиш натижасида ваколатли орган қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

масъул органнинг қафолати асосида хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритиш мумкинлиги ҳақида;

масъул органнинг қафолати асосида хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритишни рад этиш ҳақида.

53. Қуйидагилар масъул органнинг қафолати асосида хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишга асос бўлади:

ушбу хорижий давлат ҳудудида ҳайвонларнинг ўта хавfli юқумли касалликлари, ҳайвонларнинг келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлган ялпи касалликлари ва ҳайвонларнинг илгари қайд этилмаган юқумли касалликлари пайдо бўлганлиги сабабли эпизоотик вазиятнинг мураккаблиги;

қафолат бериш ҳақидаги мурожаатда кўрсатилган назорат остидаги товарларни олиб ўтишга Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг қарорига асосан тақиқ (чеклов) жорий этилганлиги;

мазкур Низомнинг 14 ва 17-бандларига мувофиқ Реестрга киритиш тўғрисидаги ариза ва аудит саволномасида сўралган тегишли маълумотлар масъул орган томонидан тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги;

масъул орган томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончсиз ёки бузиб кўрсатилганлиги ёхуд ушбу маълумотлар хорижий мамлакатдаги ҳақиқий эпизоотик вазиятни ифода этмаслиги;

ХЭБнинг Халқаро ветеринария кодекслари талабларига мувофиқ назорат остидаги товарларнинг хавф даражасини баҳолаш натижасида уларнинг ветеринария хавфи даражаси ўрта ёки юқори деб белгиланганлиги;

масъул орган томонидан тақдим қилинган маълумотларни кўриб чиқиш натижасида хорижий давлат расмий назорат тизими ва назорат остидаги объектлар Ўзбекистон Республикаси талаблари ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилганлиги.

54. Қафолат бериш ҳақидаги мурожаат бўйича ваколатли органнинг қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай масъул органга юборилиши керак.

55. Масъул орган ваколатли органнинг қафолат асосида хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритишни рад этиш ҳақидаги қарорини олган кундан эътиборан 30 календарь кундан кечиктирмай ушбу қарор юзасидан ўз таклиф ва эътирозлари (мавжуд бўлса), шунингдек, агар камчиликлар аниқланган бўлса, уларни бартараф этиш чоралари кўрилаётганлигини тасдиқловчи маълумотлар кўрсатилган жавоб хатини юбориши мумкин. Масъул орган томонидан ушбу муддат ичида ваколатли органга жавоб хати юборилмаслиги масъул орган ваколатли органнинг қафолат бериш ҳақидаги мурожаат бўйича қарорига тўлиқ рози деб ҳисоблашга асос бўлади.

56. Масъул орган ваколатли органнинг қафолат асосида хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритишни рад этиш ҳақидаги қарори юзасидан жавоб хати юборганда ушбу жавоб хати ваколатли орган томонидан 15 календарь кун ичида кўриб чиқилиши ҳамда агар ваколатли органнинг қарорида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилган бўлса, хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритишни рад этиш ҳақидаги қарор ўзгартирилиши лозим.

57. Ваколатли орган масъул органнинг қафолат бериш ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиш натижаси бўйича якуний қарорини у қабул қилинган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай масъул органга юбориши керак.

7-боб. Инспекция жараёнида назорат остидаги товарлардан намуналар олиш

58. Инспекцияни ўтказиш жараёнида назорат остидаги товарларнинг, шунингдек уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашёнинг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида лаборатория текширувлари ўтказиш учун назорат остидаги товарлар ва уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашёдан танлов асосида намуналар олинади.

59. Лаборатория текширувлари учун намуналар олиш инспекция ўтказётган мутахассисларнинг сўровига кўра амалга оширилади.

60. Назорат остидаги товарлар ва хом ашёдан намуналар олиш келишув асосида мутахассислар ёки масъул орган ходимлари ёхуд бевосита хорижий экспорт қилувчиларнинг вакиллари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда, ушбу шахслар товарлардан намуналар олиш бўйича билим ва малакага эга бўлишлари талаб этилади.

61. Назорат остидаги товарлар ва хом ашёдан намуналар олиш масъул орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ёки мазкур хорижий давлатнинг қонунчилиги талаблари асосида амалга оширилиши мумкин.

62. Назорат остидаги товарлар ва хом ашёдан олинган намуналарда лаборатория текширувларини ўтказиш учун тегишли лаборатория масъул орган билан келишув асосида мазкур хорижий давлатнинг аккредитациядан ўтган лабораториялари орасидан танланади.

63. Масъул орган назорат остидаги товарлар ва хом ашёдан олинган намуналарда ўтказилган лаборатория текширувлари натижаларини улар олинган куннинг ўзида мутахассисларга тақдим этилишини таъминлаши керак.

64. Лаборатория текширувлари натижалари бўйича ҳужжатлар масъул орган билан келишилган тилда (ўзбек, рус, инглиз ёки бошқа хорижий тилда) расмийлаштирилади.

8-боб. Реестрни шакллантириш ва юритиш

65. Реестр ваколатли органнинг расмий сайтида электрон шаклда юритилади ва фойдаланиш учун очиқ ҳисобланади.

66. Ваколатли орган Реестрни шакллантириш, юритиш ва ундаги ахборотнинг яхлитлиги учун масъул ҳисобланади.

67. Реестр хорижий экспорт қилувчилар тўғрисидаги маълумотлар киритиладиган ягона электрон база ҳисобланади ва унда хорижий экспорт қилувчиларнинг қуйидаги маълумотлари қайд этилади:

тўлиқ номи (ўзбек, рус, инглиз ёки бошқа тегишли хорижий тилда);

жойлашган манзили (почта манзили, шу жумладан электрон почта манзили), фаолиятни амалга ошириш манзили (алоҳида маъмурий-худудий бирликни кўрсатган ҳолда (масалан, вилоят, штат, провинция);

телефон ва факс рақамлари, шунингдек хорижий давлатнинг тегишли органи томонида берилган идентификация рақами (СТИР);

ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ёки сақлайдиган назорат остидаги товарлари рўйхати;

ветеринария, ветеринария-санитария жиҳатдан статуси (бундан буён матнда статус деб юритилади).

68. Хорижий экспорт қилувчилар қуйидагилардан бири асосида Реестрга киритилади:

аудит ва инспекция натижаларига кўра ваколатли органнинг тегишли қарори билан хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритиш мумкин деб топилганда;

ваколатли органнинг тегишли қарори билан масъул органнинг қафолати асосида хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритиш мумкин деб топилганда.

69. Ваколатли органнинг инспекция натижалари юзасидан тайёрланган якуний ҳисоботи ёки қафолат бериш ҳақидаги мурожаат бўйича қабул қилинган қарори масъул органга юборилган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида ваколатли орган хорижий экспорт қилувчини Реестрга киритади ҳамда бу ҳақда икки иш кун ичида масъул органга билдиришнома юборади.

70. Реестрга киритилган хорижий экспорт қилувчи қуйидаги статуслардан бирига эга бўлади:

«чекловларсиз» — хорижий экспорт қилувчининг назорат остидаги товарлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тақиқ ва чекловларсиз белгиланган тартибда экспорт қилинади;

«вақтинча чекланган» — давлат ветеринария хизмати назоратини амалга оширишда ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларида белгиланган талабларга номувофиқлик аниқланганлиги сабабли, хорижий экспорт қилувчининг назорат остидаги товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига экспорт қилиш вақтинча чекланади;

«кучайтирилган лаборатория назоратида» — хорижий экспорт қилувчининг мамлакатидagi эпизоотик вазият барқарор эмаслиги сабабли, хорижий экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига экспорт қилинган назорат остидаги товарларининг ҳар бир партиясидан лаборатория текшируви учун намуна олиш талаб этилади;

«огоҳлантирилган» — давлат ветеринария хизмати назоратини амалга ошириш давомида хорижий экспорт қилувчининг назорат остидаги товарларида салбий ўзгаришлар аниқланганда масъул орган ушбу салбий ўзгаришлар бартараф этилиши зарурлиги ҳақида муддати кўрсатилган ҳолда ваколатли орган томонидан огоҳлантирилади. Бунда, салбий ўзгаришлар тегишли муддатда бартараф этилмаса, хорижий экспорт қилувчининг статуси «вақтинча чекланган» ёки «кучайтирилган лаборатория назоратида» статусига ўзгартирилади;

«махсус шартларда» — хорижий экспорт қилувчининг назорат остидаги товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга товарларни тайёрлаш, қайта ишлаш ёки сақлаш усулини (масалан, музлатилган, совутилган, қадоқланган, вакуумда ёки бошқа) ўзгартирган тақдирда йўл қўйилади. Бунда, агар тегишли ўзгартириш амалга оширилмайдиган бўлса, хорижий экспорт қилувчининг статуси «вақтинча чекланган» статусига ўзгартирилади.

71. Хорижий экспорт қилувчининг Реестрдаги амалдаги статуси қуйидагилар асосида ўзгартирилиши мумкин:

масъул органнинг сўрови асосида;

давлат ветеринария хизмати назоратини амалга оширишда хорижий экспорт қилувчининг назорат остидаги товарларида ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига номувофиқлик аниқланганда;

хорижий экспорт қилувчининг мамлакатадаги эпизоотик вазият барқарор эмас ёки аксинча барқарор деб топилганда;

хорижий экспорт қилувчининг назорат остидаги товарларида салбий ўзгаришлар аниқланганда масъул орган ушбу салбий ўзгаришлар бартараф этилиши зарурлиги ҳақида ваколатли орган томонидан муддати кўрсатилган ҳолда огоҳлантирилганлигига қарамасдан, ушбу салбий ўзгаришлар тегишли муддат ичида бартараф этилмаган бўлса;

хорижий экспорт қилувчининг назорат остидаги товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ёки сақлаш усулини ўзгартириш зарурлигига қарамасдан, хорижий экспорт қилувчи тегишли ўзгартиришни амалга оширмаган бўлса;

хорижий давлат расмий назорат тизими ва назорат остидаги объектларни Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3198, 2019 йил 29 ноябрь) белгиланган тартибда ўрганиш натижасида улар Ўзбекистон Республикаси талаблари ёки ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмас деб топилганда.

72. Масъул орган Реестрга киритилган хорижий экспорт қилувчилар фаолияти билан боғлиқ ўзгаришлар (масалан, тугатилиши, қайта ташкил этилиши, номининг ўзгариши) ҳақида ваколатли органни доимий равишда хабардор қилиб бориши лозим.

73. Реестрда аввал қайд этилган маълумотлар ўзгарган ҳолларда тегиш-

ли ўзгартиришлар ваколатли орган томонидан Реестрга 10 календарь кун ичида киритилиши керак.

74. Хорижий экспорт қилувчининг Реестрдаги статуси ўзгарганда, хорижий экспорт қилувчи Ўзбекистон Республикаси ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатлари талабларига амал қилмаганда ёки назорат остидаги товарларда салбий ўзгаришлар аниқланганда ваколатли орган бу ҳақда масъул органни икки иш куни ичида хабардор қилиши лозим.

Бунда, масъул орган ваколатли органнинг хабарида кўрсатилган ҳолатни зудлик билан ўрганиб чиқиши ҳамда ушбу ҳолат тасдиқланган тақдирда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриши, шунингдек камчиликлар бартараф этилганда бу ҳақда ваколатли органга тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга маълумот тақдим этиши керак.

75. Реестрга киритилган хорижий экспорт қилувчи ўзининг ёки масъул органнинг сўрови асосида, шунингдек назорат остидаги товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ёки сақлашда Ўзбекистон Республикаси ва ветеринария соҳасидаги назорат ҳужжатлари талабларига амал қилинмаган тақдирда ваколатли органнинг ташаббуси билан Реестрдан чиқарилиши мумкин.

9-боб. Яқуний қоидалар

76. Ваколатли органнинг қарорлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

77. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

78. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

***Инвестициялар ва
ташқи савдо вазири***

С. УМУРЗАКОВ

2022 йил 11 март

***Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизмати бошлиғи***

Б. ЮСУПАЛИЕВ

2022 йил 11 февраль

*Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2022 йил 10 февраль

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2022 йил 21 февраль

*Техник жихатдан тартибга солиш
агентлиги Бош директори*

Д. САТТАРОВ

2022 йил 17 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

168 Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3198-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 майдаги 277-сон «Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 24 октябрдаги 12-сон қарори (рўйхат рақами 3198, 2019 йил 29 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.11.2019 й., 10/19/3198/4095-сон) билан тасдиқланган Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамла-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 апрелда эълон қилинган.

катларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21 — 24-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор 2022 йил 1 сентябрдан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. НОРКОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 апрель,
12-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ
БУЙРУҒИ

169 «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2997-1

Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 31 мартдаги 83-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2997, 2018 йил 12 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 10/18/2997/1069-сон) иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмондон

Р. ДЖУРАЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 5 апрель,
98-сон

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси қўмондонининг 2022 йил
5 апрелдаги 98-сон буйруғига
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқда:

а) буйруқ номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий ўқув маркази, Фарғона минтақавий ўқув маркази, Жиззах минтақавий ўқув маркази ва Тошкент минтақавий ўқув марказининг базасида хизмат қуроли ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган вазирлик ва идораларнинг қўриқлаш (ҳарбийлаштирилган, қоровуллик) бўлинмалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;

б) буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**»;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий ўқув маркази, Фарғона минтақавий ўқув маркази,

Жиззах минтақавий ўқув маркази ва Тошкент минтақавий ўқув марказининг базасида хизмат қуроли ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган вазирлик ва идораларнинг қўриқлаш (ҳарбийлаштирилган, қоровуллик) бўлинмалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.»

2. Низомда:

а) низом номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий ўқув маркази,
Фарғона минтақавий ўқув маркази, Жиззах минтақавий
ўқув маркази ва Тошкент минтақавий ўқув марказининг
базасида хизмат қуроли ва махсус воситаларни олиб юриш
ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган вазирлик ва
идораларнинг қўриқлаш (ҳарбийлаштирилган, қоровуллик)
бўлинмалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш курслари тўғрисидаги
НИЗОМ»;**

б) низом муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий ўқув маркази, Фарғона минтақавий ўқув маркази, Жиззах минтақавий ўқув маркази ва Тошкент минтақавий ўқув марказининг (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) базасида вазирлик ва идоралар қўриқлаш (ҳарбийлаштирилган, қоровуллик) бўлинмаларининг (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) хизмат қуроли ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида ўқитиш тартибини белгилайди.»

в) 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**қурол** — тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар. Тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш мақсадидаги буюмлар сифатида сертификатланган буюмлар, шунингдек тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган спорт аслаҳалари қурол жумласига кирмайди;»

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«**хизмат қуроли** — фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни ҳимоя қилишга, табиатни ва табиий ресурсларни, қимматбаҳо ва хавфли юкларни, махсус хат-хабарларни муҳофаза қилишга доир вазифаларни бажариш чоғида юридик шахсларнинг ходимлари томонидан, шунингдек давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қурол;»

учинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги «Институт базасида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш» деган сўзлар «Марказ базасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 2-банддаги «(тайёрлаш ва қайта тайёрлаш)» деган сўзлар «(тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3 ва 4-бандлардаги «идоравий ўқотар қуроли» деган сўзлар «хизмат қуроли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Ташкилотларнинг хизмат қуроли ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланиш рухсат берилган ходимларини малакасини ошириш курслари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида олинган билим, кўникма ва тажрибаларини тизимли чуқурлаштириш, янги касбий билим ва маҳорат, замонавий кўникмалар ҳамда тажриба ошириш учун ходимларнинг мутахассисликка оид касбий билимларини ошириш мақсадида ташкил этилади.»;

ж) 5-банддаги «қайта тайёрлаш» деган сўзлар «қайта тайёрлаш ва малака ошириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 6, 7, 8, 22, 25, 33-банднинг биринчи хатбошиси, 35-банднинг биринчи хатбошиси, 36, 38, 41-бандлар ва 45-банднинг биринчи хатбошисидаги «Институт» деган сўз «Марказ» деган сўз билан алмаштирилсин;

и) 10 ва 39-бандлардаги «Институтда» деган сўз «Марказда» деган сўз билан алмаштирилсин;

й) 11 ва 44-бандларнинг иккинчи хатбошисидаги «Институтнинг» деган сўз «Марказнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

к) қуйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

«12¹. Марказларда ташкилотларнинг хизмат қуроли ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув жараёни қуйидаги ҳудудларга тақсимланган ҳолда ташкил этилади:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Тошкент минтақавий ўқув маркази — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Фарғона минтақавий ўқув маркази — Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Жиззах минтақавий ўқув маркази — Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий ўқув маркази — Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари.»;

л) қуйидаги мазмундаги 13¹-банд билан тўлдирилсин:

«13¹. Ташкилотлар томонидан ходимлар уларнинг касбий ва жанговар билимларини, малака ва кўникмаларини чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб

борилишини таъминлаш мақсадида малака ошириш курсларига ўқитиш учун юборилади.»;

м) 16, 17, 21, 43-бандлардаги «Институтга» деган сўз «Марказга» деган сўз билан алмаштирилсин;

н) 18-бандда:

биринчи хатбошидаги «Институт» деган сўз «Марказ» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Институтнинг» деган сўз «Марказнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

о) 23-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Институтга» деган сўз «Марказга» деган сўз билан алмаштирилсин;

п) 24-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Тайёрлаш курсларининг умумий давомийлиги икки ярим ҳафта (90 соат), қайта тайёрлаш курсларининг умумий давомийлиги, икки ҳафта (72 соат) ҳамда малака ошириш курсларининг умумий давомийлиги тўрт ҳафта (144 соат) этиб белгиланади. Бунда, махсус курсларда ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми бир ҳафтада 36 (54 академик) соатни, аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми эса, 24 (36 академик) соатни ташкил қилади.»;

р) 27-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Қурол ва махсус воситалар билан муомала қилиш бўйича машғулотлар Марказнинг қурол, ўқ-дорилар ва махсус воситалари билан амалга оширилади. Қуролдан ўқ отишни ўргатиш машғулотлари (ўқув ўқ отиш машқлари) Марказнинг панорамали ўқ отиш тренажери ва ўқ отиш тирида ўтказилади.

Ўқ отиш тиридаги ўқув ўқ отиш машқлари Марказ бошлиғи томонидан ушбу машқлар учун масъул ходимлар (ўқ отиш машғулоти раҳбари, навбатчи шифокор, қуршов гуруҳи) тайинлангандан сўнг ўтказилади. Ўқотиш тиридаги ўқув-отиш машқларини амалий бажаришга фақат ўқув-отиш машқларининг шартлари ва хавфсизлик қоидаларига оид билим ва кўникмалар бўйича ўтказилган назорат синовларидан муваффақиятли ўтган ходимларга рухсат берилади.»;

с) 31-банддаги «Институтнинг» деган сўз «Марказнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

т) 40-банддаги иккинчи хатбошидаги «тайёрлаш, қайта тайёрлаш» деган сўзлар «тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

у) 1, 2 ва 3-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 5 апрелдаги 222-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қондаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-12.

2. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 13 апрелдаги 223-мх-сон «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-6.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 15 апрелдаги 12-сон «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқноманинг 285-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-6.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 4 апрелдаги 11-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қондаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2515-4.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 18 апрелдаги 8/02-22-9-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқнома, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 390-4.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 27 апрелдаги 2022-14-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3364.

7. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 12 мартдаги 12-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3365.

8. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 28 апрелдаги 12-сон «Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3198-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2022 йил 5 апрелдаги 98-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2997-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1997 йил 10 декабрда 05/8-374-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 390, 1998 йил 13 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 390-1, 1999 йил 30 декабрь), (рўйхат рақами 390-2, 2017 йил 25 январь), (рўйхат рақами 390-3, 2019 йил 26 февраль).

2022 йил 27 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 августдаги 2018-68-сон «Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3075, 2018 йил 5 октябрь).

2022 йил 29 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги 2020-11-сон «Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3232, 2020 йил 2 май).

2022 йил 29 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 30 апрелдаги 2020-14-сон «Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3236, 2020 йил 29 май).

2022 йил 29 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-16-сон «Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3247, 2020 йил 18 июнь).

2022 йил 29 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-17-сон «Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3251, 2020 йил 30 июнь).

2022 йил 29 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

